

Роббинг исмини зикр қил!

12:09 / 31.10.2018 3234

Аллоҳ таоло Инсон сурасида шундай марҳамат қилади:

وَاصِيلاً بُّكْرَةً رَبِّكَ اسْمَ وَادِّكِرِ ﴿٢٥﴾

طَوِيلًا لَيْلًا وَسَبِّحَهُ لَهُ، فَاسْجُدْ أَلَيْلٍ وَمِنْ ﴿٢٦﴾

«Эртаю кеч Роббинг исмини зикр қил. Ва тунда ҳам Унга сажда қил ва узоқ тунларда Уни поклаб ёд эт» (25-26-оятлар).

Яъни «Унинг номини поклаб ёд эт».

Баъзи тафсирчилар: «Букротан»дан мурод бомдод намози, «асийла»дан мурод пешин ва аср намозлари, «Ва минал лайли»дан мурод эса шом ва хуфтон намозлари, «лайлан товийла»дан мурод тунни бедорлик билан ўтказиб ўқилган намоз», – деганлар.